

А Ж Р И М

2021 йил июнь ойининг 24 кунида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди, “Асалобод” МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья А.А.Икромовнинг раислигида, З.Тошевнинг котиблигида, тарафлардан Яшнобод туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Назиров, адвокат Д.Мирсагатова, гумон қилинувчи У.О.А, жабрланувчи Ғ.Х.Ғ, Т.М.Т ва фуқаровий даъвогар Х.Хларнинг иштирокида,

хх.хх.хххх йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, маълумоти олий, Хусусий ўқув марказида директор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, ХХХ МФЙ, ХХХ кўчаси, х-уйда яшовчи **У.О.А (У.О.А)** га

оид Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан 1-1009-2005/287-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

У.О.А, 2021 йил 1 апрель куни, соат 21:00 ларда, ишончнома орқали бириктирилган “НЕКСИЯ-3” русумли 01FXXXXNB давлат рақамли автомашинани тегишли ҳужжатлар асосида, Охангарон шоҳ кўчасидаги 2-даражали йўл бўйлаб, Махтумқули кўчаси томондан Бирлашган кўчаси томонга бошқариб бориб, 41-уй қаршисига яқинлашган вақтида, амалдаги ЙХҚнинг 11-банди «г» қисми 77-банди 1 ва 3 қисми ҳамда 135-банди 2-қисмида яъни «Ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши шарт»лиги, «Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак»лиги, «Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак»лиги, «Кўзи қамашган ҳайдовчи авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи керак» деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан, ҳаракатланиши оқибатида йўл қатнов қисмининг ўнг томон чеккасида ҳаракатланиб кетаётган пиёда Т.М.Т ва Ғ.Х.Ғни уриб юборган.



Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида пиёда Т.М.Т ва Ғ.Х.Глар тан жароҳати олиб, 4-сонли ШКШга мурожаат қилишган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 05.04.2021 йилдаги №1692 Х-Хуж сонли хулосасига кўра, Ғ.Х.Гнинг танасида «ўнг оёқ кичик болдир суягини ўрта учлигидан ёпиқ синиб суяк бўлакларини қониқарли туриши, ўнг қўл 1-бармоқ соҳаси шилинма» каби жароҳатлар аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳати оғирлик жаражаси бўйича ўртача оғир тан жароҳатларига кириши маълум қилинган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 05.04.2021 йилдаги №1693 Х-Хуж сонли хулосасига кўра, М.Т.Тнинг танасида «бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бош ўнг тепа-энса соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши ва шилинмаси, ўнг қўл 1-бармоқ соҳасида шилинма, чап оёқ болдир ошиқ бўғими юмшоқ тўқималари лат ейиши» каби жароҳатлар аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳати оғирлик жаражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузулишига олиб келган энгил тан жароҳатларига кириши кўрсатилган.

Суд мажлисида U.O.A айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга етказган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар билан ярашиб олганлиги, уларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

Жабрланувчи Ғ.Х.Г ишни ярашувга асосан тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Т.М.Т ишни ярашувга асосан тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, уларга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Х.Х ишни ярашувга асосан тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, гумон қилинувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб,



жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гумон қилинувчи У.О.Анинг аризаларини жиноят иши билан ўрганиб, тарафлар фикрини тинглаб, юқоридаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчиларга ва фуқаровий даъвогарга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи **У.О.А** (У.О.А) га оид жиноят иши тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан, айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчилар **Ғ.Х.Г** ва **Т.М.Т** ҳамда фуқаровий даъвогар **Х.Хга** мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан 20 сутка ичида, шу суд орқали Тошкент шаҳар судига гумон қилинувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар томонидан хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

А. Икромов

